

ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

Жаббаров Камолиддин Йўлдошев,

ЎзМУ таянч докторанти

E-mail: jabbarovky87@mail.ru

Аннотация: Мақолада иқтисодий инқирознинг моҳияти, назарий-методологик асослари, иқтисодий циклар, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг иқтисодиётга таъсирини камайтиришга ҳамда оқибатларини олдини олишга ва юмшатишга асос бўлиб хизмат қилган омиллар таҳлил қилинган ва атрофлича хулоса, таклифлар келтирилган.

Аннотация: В статье рассматриваются сущность экономического кризиса, теоретические и методологические основы, экономические циклы, причины мирового финансово-экономического кризиса, который начался в 2008 году, и факторы уменьшающие и смягчающие последствия глобального финансово-экономического кризиса, а также приведены выводы, ряд рекомендаций.

Abstract: The article examines the subject of the economic crisis, the theoretical and methodological foundations, economic cycles, the causes of the global financial and economic crisis that began in 2008, and factors that reduce and mitigate the consequences of the global financial and economic crisis, as well as conclusions and recommendations.

Калит сўзлар: иқтисодий инқироз, иқтисодий циклар, ортиқча ишлаб чиқариш классик инқирози, кредит “кўпиги”, дериватив битимлар.

Кириш

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, жаҳон бозорида миллий маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бугунги кундаги энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев бу борада ўз маърузаларида қуйидаги фикрларни таъкидлайди, “Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади” [1].

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аввало, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келувчи омилларни таҳлил қилишни тақозо қилади. Чунки бугун дунё мамлакатлари иқтисодиётида юз бераётган воқеа-ҳодисалар миллий иқтисодиётимизга ўз таъсирини ўтказди. Бу сўнгги пайтларда бот-бот тилга олинаётган иқтисодий инқирозни, унинг келиб чиқиш сабабларини, уни юзага келишига замин ҳозирловчи омилларни чуқур таҳлил

қилишни кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айлантиради. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов айтганларидек, “...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”[2].

Иқтисодиётда жами талаб ва таклиф мувозанати, даромадлар ва ҳаражатлар мувозанати ҳамда истеъмол ва жамғариш мувозанатларининг бузилиши натижасида цикллилик вужудга келади. Бу, айниқса, бозор иқтисодиётига хосдир. Шунингдек, олимларнинг изланишлари натижасига кўра, биринчи классик инқироз рўй берганидан бери иқтисодий инқирозлар тахминан ҳар 15-20 йил оралиқ билан такрорланиб турар экан. Иқтисодий инқирозларнинг доимий равишда бундай такрорланиб туриши бу борада илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Фанда иқтисодий инқирознинг категория сифатида қаралиши унинг мазмун-моҳиятини янада аниқлаштириш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодиётда иқтисодий инқироз ва у билан боғлиқ жараёнлар доим эътибор марказимизда бўлиб келган. Иқтисодчи олимларининг илмий изланишларида бу йўналиш алоҳида аҳамият касб этади.

А.Ваҳабов, Н.Жумаев ва Э.Хошимовларнинг фикрича, “иқтисодий инқироз (рецессия) – иқтисодиётнинг шундай ҳолати, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг мутлақ ҳажми камида икки чорак мобайнида кетма-кет қисқаради. Иқтисодий инқироз бозор иқтисодиётига хос ҳодиса бўлиб, маълум даврийлик билан такрорланиб туради”[3, 23 б].

Ҳ.Абулқосимов ва М.Абулқосимовларнинг ёзишича, “инқироз (кризис) – ялпи талаб ва ялпи таклиф, ишлаб чиқариш билан истеъмол, истеъмол ва жамғариш ҳамда даромадлар билан ҳаражатлар ўртасидаги зиддият вужудга келганида ва бу зиддият кучайиб кетганида юзага келадиган танглик, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, товарларнинг сотилмай қолиши”, “иқтисодий цикл – ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инқирозидан иккинчиси бошлангунига қадар такрорланиб турадиган ҳаркати. Иқтисодий цикл – иқтисодий ривожланишнинг бир ҳолатидан бошланиб, бирин-кетин тўрт фазани босиб ўтиб, ўзининг олдинги ҳолатига қайтиб келгунига қадар ўтган даврни ўз ичига олади”[4].

Тадқиқот методологияси

Мақолада иқтисодий инқирознинг назарий-методологик асослари таҳлил ва таққослаш методлари асосида тадқиқ этилган. Иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари далилларни ва статистик маълумотларни солиштириш ва таққослаш, индукция ва дедукция методларига асосан кўриб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Иқтисодий инқироз тушунчасининг моҳиятини янада аниқроқ тушунишимиз учун уни ортиқча ишлаб чиқариш классик инқирози билан

боғлаб тадқиқ этиш керак. Маълум бир даврда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларнинг истеъмолчилар томонидан харид қилинишининг имкони йўқ. Чунки истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти билан ишлаб чиқарувчиларнинг жами таклифининг оралиғида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг соф фойдаси ётади. Вақт ўтиши билан бундай номутаносиблик йиғилиб, жамғарилиб боради. Натижада харидорларнинг тўлов қобилиятидан ортиқча бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқарилади ва таклиф ортади, асосий капитал ортиқча жамғарилади. Бу ҳолат эса ортиқча ишлаб чиқариш классик инқирозларининг юзага келишига сабаб бўлади.

Кейинроқ иқтисодий инқирозларни классик инқирозлар билан биргаликда тадқиқ этиш асносида иқтисодий циклларнинг ҳаракати кун тартибидаги энг долзарб муаммолар қаторидан жой олади. Дастлаб иқтисодий цикллар борасида иқтисодчи олим Й.Шумпетер XX асрнинг биринчи ярмида илмий изланишлар олиб борган. Унинг илмий изланишлари натижаси ўлароқ, иқтисодий цикллар ривожланиши тўртта фазада ажратиб кўрсатилди. Булар юксалиш, рецессия, депрессия ва жонланиш фазаларидир.

Биринчи фаза – юксалиш босқичида янги ғояларнинг пайдо бўлиши, янги товар ва хизматларнинг жорий этилиши, янги бозорларнинг кашф этилиши натижасида даромад ҳажми ортади ҳамда натижада иқтисодий ўсиш кузатилади. Бунда, албатта, ишлаб чиқарувчиларнинг тадбиркорлик қобилиятлари алоҳида ўрин тутди.

Рецессия фазасида биринчи фазадаги ўсиш ҳолатидан иқтисодиёт турғунлик ҳолатига ўтади.

Учинчи депрессия фазасида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари орқага кетади, мувозанат бузилади ва шарт-шароитлар ёмонлашади.

Жонланиш фазаси товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиларнинг ва давлатнинг бевосита аралашуви натижасида иқтисодий мувозанатни қайта тиклаш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида юзага келади. Бунда инновациялар алоҳида аҳамиятга эга[5].

Й.Шумпетердан ташқари машҳур иқтисодчи Н.Д.Кондратьев ҳам иқтисодий цикллар борасида илмий изланишлар олиб борган. У илмий изланишлари натижасида пасаяувчи ва кўтарилувчи фазалардан иборат бўлган Кондратьев цикллари (К-цикл) назариясига асос солди. Бу назариянинг асосини юқорида айтиб ўтганимиздек капиталнинг жамғарилиши билан боғлиқ бўлган жараёнлар: капиталнинг марказлашуви, бўлиниши ва кадрсизланиши ташкил қилади.

XX аср биринчи чорагида Н.Д.Кондратьев ўзининг 50 йиллик узунликка эга бўлган катта цикллар назариясини исботлайди. У ўз изланишларида Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШнинг 1790 йилдан 1920 йилгача бўлган оралик даврида баъзи бир иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилидан фойдаланади. Олим мазкур циклларни икки босқичини – кўтарилиб борувчи ва пасаяувчи тўлқинларни ажратиб кўрсатади. Олим ўзининг илмий изланишларида йирик ва кичик циклларнинг ўзаро алоқадорликдаги ҳаракатини яққол кўрсатиб беради. Натижада у жаҳон хўжалигининг иқтисодий динамикасини узоқ муддатли прогнозлашнинг самарали моделини таклиф этади.

Н.Д.Кондратьев ўзининг илмий изланишларида цикллар ҳаракатини иккиёклама эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бир томондан цикллар ҳаракатига сабаб иқтисодиётда меҳнат ва капитал ўртасида зиддиятлар оқибатида вужудга келадиган номутаносибликлар ҳисобланса, иккинчи томондан ҳаракатга сабаб қилиб ишлаб чиқариш воситалари ривожланиши туфайли иқтисодиётда янги укладнинг шаклланишини кўрсатиб беради. Бунга мисол қилиб буғ двигателлари даврининг саноат инқилоби даври билан ўрин алмашишини келтириш мумкин.

Н.Д.Кондратьевнинг фикрича узун циклларнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

➤ Капиталистик иқтисодиётнинг ҳаракати бир неча мувозанат даражалари доирасида намоён бўлади. Асосий капитал бойликларнинг (ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва малакали ишчи кучи) мувозанати хўжалик ва ижтимоий ҳаётнинг барча омиллари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг мазкур техник усулини белгилаб беради. Бунда мувозанатнинг бузилиши капитал бойликларнинг янги захираларини ташкил этиш заруратини юзага келтиради;

➤ Асосий капитал бойликларнинг янгиланиши эса бир текис кечмайди, бунда ҳал қилувчи ролни илмий-техник ғоялар ва инновациялар ўйнайди;

➤ Узун циклнинг давомийлиги жамият капитал бойликлари асосий элементларидан бири ҳисобланган ишлаб чиқариш инфратузилмавий қурилмаларининг ўртача ҳаётий даври билан белгиланади;

➤ Барча ижтимоий жараёнлар – урушлар, инқилоблар, аҳоли миграцияси иқтисодий механизмнинг қайта шаклланиш натижасидир;

➤ Асосий капитал бойликларнинг алмашинуви ва узоқ муддатга чўзилган иқтисодий пасайишдан чиқиш натура ва пул кўринишидаги ресурсларнинг жамланишини тақозо этади. Етарли даражада жамланмага эришилгач асосий капитал бойликларни радикал янгилаш имконияти юзага келади ва бу ўз навбатида, иқтисодиётни янги кўтарилиш фазасига олиб чиқади[3, 28 б].

Энди Кондратьев циклларининг фазаларига тўхталиб ўтайлик. Бу циклларнинг ҳар бири икки фазадан – кўтарилиш ва пасайиш фазаларидан иборат. Бугунги кунга келиб К-циклнинг 6 – кўтарилиш фазаси содир бўлмокда. Улар қуйидагилардан иборатдир:

Биринчи циклнинг кўтарилиш фазаси 1780-1790 йиллардан 1810-1817 йилларгача, пасайиш фазаси 1810-1817 йиллардан 1844-1851 йилларгача бўлган вақтни қамраб олади;

Иккинчи циклнинг кўтарилиш фазаси 1844-1851 йиллардан 1870-1875 йилларгача, пасайиш фазаси 1870-1875 йиллардан 1890-1896 йилларгача бўлган ораликда амалда бўлган;

Учинчи цикл кўтарилиш фазаси 1890-1896 йиллардан 1914-1920 йилларгача, пасайиш фазаси 1914-1920 йиллардан 1936-1940 йилларгача бўлган ораликлардан иборат;

Тўртинчи цикл кўтарилиш фазаси 1936-1940 йиллардан 1966-1971 йилларгача, пасайиш фазаси 1966-1971 йиллардан 1980-1985 йилларгача бўлган оралик. Кондратьев даврдан кейинги давр олимлари ўз илмий изланишлари

доирасида реал иқтисодиёт индикаторларига ва К-цикллар моделига таянган ҳолда 1970 йилларда нефть инқирозлари ва стагфляция даврини илмий асослаб беришади;

Бешинчи цикл кўтарилиш фазаси 1980-1985 йиллардан 2000-2007 йилларгача, пасайиш фазаси 2000-2007 йиллардан 2015-2025 йилларгача қамраб олади; Бизнинг давримизда ушбу пасайиш фазасининг бошланишини ХХІ асрнинг бошларига тўғри келганини ҳаммамиз яхши биламиз;

Олтинчи циклнинг кўтарилиш фазаси 2015-2025 йиллардан 2035-2045 йилларгача бўлиши башорат қилинмоқда. Ҳозирда олимлар томонидан мазкур олтинчи циклнинг иккинчи – пасайиш фазасининг оралиқ йилларини аниқлаш учун илмий изланишлар олиб борилмоқда ва бу кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Иқтисодчилар томонидан аниқланган бу 6-циклнинг кўтарилиш фазаси оралиқ йилларини ҳақиқатга мослигини қуйидаги фикрлар ҳам асослаб беради. Халқаро Валюта Фондининг расмий сайти маълумотларига кўра, 2016 йилда бутун дунёда кузатилган секин ўсиш кўрсаткичларидан кейин 2017-2018 йиллардаги иқтисодий фаоллик бироз тезлашади, бу айниқса ривожланаётган мамлакатларда яққол кўзга ташланади [6].

Мазкур циклларнинг ҳаракати натижасида ресурслар цикллар оралиғида қайта тақсимланади. Бу жараённинг тезлашиши эса “кўпиклар”нинг юзага келишига сабаб бўлади. Ортиқча ишлаб чиқариш инқирозларининг кўламларини кучли кредит инқирози билан чуқурлашаётган кредит “кўпиғи” тебранишларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон иқтисодиёти 2008 йилда айнан шундай вазиятга дуч келган: кредит “кўпиғи” чегарадан чиқди ва унинг портлаши кузатилди. АҚШдаги ипотека инқирози кўпчилик учун ўзини жаҳон молиявий инқирози сифатида намоён этган бўлиб, бошланғич кредит инқирозидан далолат берарди. Бу глобал иқтисодий тартибсизликларнинг сабабларидан биридир.

Кредит “кўпик”ларидан ташқари ХХІ асрнинг бошларида дериватив битимлар натижасида молия бозорларидаги активлар баҳосининг асоссиз ўсиши жаҳон иқтисодиётида бир неча бор “спекулятив кўпиклар”га дуч келинишига сабаб бўлди. Бу жараёнга қарши курашиш бўйича бугунги кунгача аниқ бир чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган, амалий чоралар кўрилмаган. Мазкур чора-тадбирларнинг аниқ комплекс дастурлари ишлаб чиқилиши миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди. Бунда албатта фонд ва молия бозорлари фаолроқ иштирок этишлари керак. Бу нарсанинг амалга оширилмаслиги банк секторига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Чунки банкка гаров учун тақдим этилган қимматли қоғозлар нархининг пасайиши инқирознинг янада авж олишига олиб келади.

Қарздорнинг банк олдидаги мажбуриятини бажара олмаслиги натижасида мазкур қимматли қоғозлар фонд бозорларида сотилади, бу эса ўз навбатида қимматли қоғозлар таклифининг кўпайиши ва улар баҳосининг янада пасайишига олиб келади. Бу банклар учун катта миқдордаги зарарларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Натижада ликвидлик муаммоси юзага келади.

Кредит “кўпиғи” тебранишларининг суръатлари ва унинг жаҳон иқтисодиётидаги кўламлари ҳамда бошланган кредит инқирозининг мумкин

бўлган оқибатларини АҚШ мисолида олиб кўрайлик. Америка иқтисодиётида 1980 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда уй хўжаликлари қарзларининг номинал даромадларга нисбати икки мартадан ортиқроқ – 65 %дан 133 %гача ошди. Бугунги кунда бу ерда уй хўжаликларининг қарзлари уларнинг йиллик даромадларидан 33 %га ошди. АҚШнинг давлат қарзлари 1980 йилдаги 1 триллион АҚШ долларидан 2008 йилдаги 11,85 триллион АҚШ долларигача ўсган, бу эса ўша пайтдаги АҚШ ЯИМдан 80 %га ошиб кетади [7]. Маълумотлар таҳлилига тўхталадиган бўлсак, 1980 йилдан кейинги салкам 30 йилда АҚШдаги уй хўжаликлари номинал даромадларининг учдан икки қисми қарз мажбуриятларига йўналтирилган бўлса, 2008 йилга келиб ҳар бир уй хўжалигининг қарз мажбурияти номинал даромадидан ошиб, 133 %га етган. Қарз ҳисобига кун кўриш кундалик турмушга айланган. Ҳар бир қарз мажбуриятининг кейинги қарз шартномасининг ҳисобига қопланиши одатий ҳолга айланган. Бу вақт мобайнида давлат қарзи бўлса 1185 %га ортган. 2015 йил ҳолатига АҚШнинг ташқи давлат қарзи 17,3 триллион АҚШ долларини ташкил этади[8].

Маълумотлардан маълум бўлишича, АҚШда қарз мажбуриятлари даражаси белгиланган меъёр чегараларидан ортиб кетган, мамлакат аҳолисининг жорий истеъмоли даражасини кескин пасайтириш кредит “кўпиги”нинг авж олиши жараёнини биров сусайтириши мумкин. Мазкур ҳолат банклардан олинган кредитларнинг қайтарилмаслиги даражасининг ортиши ва банк инқирозининг янада ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Бу омиллар сўнгги йилларда АҚШда ЯИМнинг анча пасайишига олиб келди. 1980 йилдан 2000 йилгача ЯИМ 2,7 баробарга ортган бўлса, 2000 йилдан 2014 йилгача 1,7 баробарга ошган[9].

Кредит “кўпиги”нинг авж олиши натижасида ортиқча ишлаб чиқариш инқирози билан қарздорлик миқдорининг ортиши юзага келади. Юқорида айтиб ўтган фикрларимиз Ғарб мамлакатларига ҳам хос бўлиб, қатор етакчи давлатларда кўп йиллар давомида юқори истеъмол келгусида олинган даромадлар ҳисобига амалга оширилиб келинган.

Юқорида айтиб ўтилган иқтисодий цикллардан ташқари 2008 йилги иқтисодий инқирознинг вужудга келишига қуйидагилар сабаб бўлган:

- Хомашё бозорларини шу жумладан, нефть бозорининг қизиб кетиши. 2008 йилнинг бошида нефтнинг нархи ўса бошлади ва 100 АҚШ долларидан ошиб кетди. Шу йилнинг 11 июлида WTI маркали нефтнинг 1 баррели 147,27 АҚШ долларига тенг бўлади, инқироз юз берганидан кейин бу кўрсаткич 56,24 гача пасайиб кетди;

- Фонд ва кредит бозорининг қизиб кетиши. 2007 йилда АҚШда амалга оширилган субстандарт ипотекали кредитлаш – яъни кам даромадли ва кредит тарихи ёмон бўлган кишиларни ипотекали кредитлаш кризиси Кўшма Штатлардаги умуммолиявий ва банк инқирозининг бевосита дарақчиси бўлди. Бу ипотека кризиси 2008 йил сентябрда жаҳон банкларининг ликвидлиги кризисини кўзғатди. LIBOR-OIS спреди 2008 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида 200 базис пунктдан 250 гача кўратилган;

•Ривожланган давлатларда, айниқса, АҚШда давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга номутаносиб равишда ортиб борганлиги ва бошқалар.

Бошқа мамлакатлар сингари 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистонга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Жаҳон бозорида таклифнинг камайиши ҳисобига экспорт қилинадиган айрим маҳсулот турлари ва ҳажмлари пасайди. Жаҳон бозорида хомашё талабининг пасайиши натижасида нархларнинг тушиб кетиши оқибатида экспортдан келадиган даромад камайди. Ташқи савдодаги шерик мамлакатларнинг харид қобилияти пасайиши ҳисобига ташқи савдо айланмаси қисқарди.

Инқироз ўзининг илк салбий оқибатларини намоён қила бошлаган кунлардан эътиборан мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастури тайёрлана бошланди ва тез фурсатларда қабул қилинди. 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурининг асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган ПФ-4058 сонли «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармони ҳамда уни янада ривожлантириш мақсадида 2009 йил 20 январда қабул қилинган ПҚ-1041 сонли «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2009 йил 26 январда қабул қилинган ПҚ-1047 сонли «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2009 йил 27 январда қабул қилинган ПҚ-1048 сонли «2009 йилда sanoat кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорлар ҳамда инқирозга қарши қаратилган бошқа бир қанча муҳим ҳужжатлар ташкил этади.

Дастур доирасида амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат эди:

1. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

2. Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини кўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш.

3. Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

4. Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

5. Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш.

Соддароқ қилиб айтганда, талабни рағбатлантириш, миллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган катор молиявий имтиёзлар ва иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминловчи чора-тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилган эди.

Инқироз келиб чиқишининг таҳлили натижалари ҳамда А.Ваҳабов, Н.Жумаев ва Э.Хошимовларнинг илмий изланишларига кўра 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқишига асосий сабаб қилиб қуйидагилар кўрсатилади[3, 21-22-б]:

- йирик ривожланган мамлакатларнинг кўп йиллар давомида давлат бюджети тақчиллиги ва салбий ташқи савдо балансига эгаллиги;

- давлат ташқи қарзи миқдорининг яимга нисбатан ўсиш суръатлари жадаллашиши;

- норационал пул-кредит сиёсати ҳамда қайта молиялаш ставкасининг сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшаш кундалик одатга айланиши;

- ипотека кредитлари бериш талабларининг асоссиз бўшаштириб юборилганлиги ва уй-жой бозорида нархларнинг қисқа муддат ичида кескин ўсиши;

- молиявий институтларнинг мажбуриятларига нисбатан устав маблағларининг мутаносиблигининг кескин бузилиши;

- қимматбаҳо қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;

- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларининг бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;

- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларнинг вужудга келиши ва уларни тартибга солишнинг самарали тизими шакллантирилмаганлиги.

Инқирознинг келиб чиқишининг асосий сабабларини таҳлил қилар эканмиз, иқтисодийётда молиявий секторнинг реал сектор устидан устунликка эга бўлиб бориши маълум бўлади. Бошқача сўз билан айтганда молия бозорларида фойда олиш учун дериватив битимларнинг амалга оширилиши сунъий “кўпик”лар ҳажмининг янада кўпайишига сабаб бўлган. Айрим иқтисодчиларнинг “ёндашувлари” асосида капиталистик муносабатларда давлатнинг молия сектори устидан назорати бир мунча сусайиши ушбу нохуш ҳолатга замин ҳозирлаб берган. АҚШ ва Европанинг бир қанча мамлакатлари шу омиллар сабабли иқтисодий инқироз туфайли катта талофатларни бошдан кечирган. Мамлакатимизда олдиндан пухта ўйланган иқтисодий сиёсатнинг юритилганлиги сабабли 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири унчалик жиддий бўлмаган. Бунга асосан ташқи қарз миқдорининг энг мақбул даражада ушлаб турилиши, аҳолининг иш ҳақи ва даромадларининг доимий равишда ошириб борилганлиги, мамлакат банк-молия тизимининг барқарор эканлиги, давлатнинг захира ва зарур ресурслар базасига эга эканлиги, давлатнинг бош ислохотчи эканлиги каби омиллар воситасида эришилган.

Хулоса ва таклифлар

Фикримизча куйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши инкирознинг иқтисодийётга таъсирини камайтиришга, уни оқибатларини олдини олишга ва юмшатишга хизмат қилади:

✓ дериватив битимлар фаолиятини тартибга солувчи аниқ ва самарали механизмни амалиётга татбиқ этиш;

✓ корхоналарнинг хар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида айланма маблағларини тўлдириш учун давлат томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, солиқлардан имтиёзлар ва преференциялар бериш;

✓ банкка гаров таъминотиға олиш тизимида нархи тез ўзгарувчан – қимматли қоғозларни қабул қилишга нисбатан қатъий чекловлар ўрнатиш;

✓ корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, бунда ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришга қатъий амал қилиш;

✓ энергия тежашнинг самарали усулларини амалиётга жорий этиш;

✓ банк муассасалари томонидан доимий равишда кредит маблағларини сўндириб борилиши хусусида мониторинг ўрнатиш ва бу тизим маълумотларидан бутун мамлакат миқёсида фойдаланиш, истеъмолчиларда кредит маданиятини шакллантириш;

✓ молия бозорлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиниш механизмини такомиллаштириш;

✓ мамлакатнинг экспортбоп маҳсулотлар таркибини сўнгги инновацион ютуқлар асосида ишлаб чиқариладиган ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган маҳсулотлар билан тўлдириш;

✓ табиий ресурс тежамкорлиги юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

✓ мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни энг сўнгги техника ва технологиялардан фойдаланиш, шунингдек иқтисодийётни модернизация қилиш ҳамда тармоқларни диверсификациялаш орқали таннархини камайтириш;

✓ аҳолининг иқтисодий ночор қатламини давлат томонидан манзилли дастурлар асосида қўллаб-қувватлаш;

✓ молия бозорлари тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлик, бетарафлик ва шаффофлик асосида тақдим этилишини таъминлаш ва бошқалар.

Назаримизда ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодий инкироз пайтида унинг таъсирини камайтиришда, оқибатларини юмшатишда ва инкирозларга қарши янги дастурлар ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини оширишда ўз ифодасини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январда ўтказилган мажлисдаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли маърузаси. //Халқ сўзи, 2017 й. 16.01.

2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.:Ўзбекистон, 2009, 11-бет.

3. Ваҳабов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози:сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Т., 2009. 23-бет.

4. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётга оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. Т., 2017. 221,256-бетлар.

5. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М., 1982. стр. 386.

6. <http://www.imf.org/external/pubs/ft/weo/2017/update/01/index.htm>.

Халқаро Валюта Фондиниң расмий веб-сайти маълумотлари.

7. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш. Илмий ишлар тўплами. “Иқтисод ва молия” журналига илова № 2 (4), 2013. 91-бет.

8. <http://www.globalfirepower.com/external-debt-by-country.asp>.

9. UNITED NATIONS CONFERENCE ON TRADE AND DEVELOPMENT. Handbook of statistics 2015, p. 346.